

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ИКРОМЖОН ИБРАГИМОВИЧ**

**КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИ НОМОДДИЙ  
МАДАНИЯТИНИНГ ЭТНИК ВА ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Умаров Икромжон Ибрагимович**

Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолиси номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари.....5

**Умаров Икромжон Ибрагимович**

Этнические и локальные особенности нематериальной культуры населения горных кишлаков Кухитанга.....23

**Umarov Ikromjon Ibrahimovich**

Ethnic and local features of the intangible culture of the population of the mountain villages of Kukhitang.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ИКРОМЖОН ИБРАГИМОВИЧ**

**КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИ НОМОДДИЙ  
МАДАНИЯТИНИНГ ЭТНИК ВА ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ватирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Таг716 билан рўйхатга олинган

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Убайдуллаева Барно Мажрабжоновна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Раҳмонов Фахриддин Шоймардонович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019.Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» 10 кунли соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, Барқамол Авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (78 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Термиз шаҳри, Барқамол Авлод кўчаси, 43-уй.) Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2022 йил «11» 10 кунли тарқатилди.  
(2022 йил «11» 10 даги 2-рақамли реестр баённомаси).



**Р.Э.Холикова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси  
уриносари, т.ф.д.  
профессор.

**Х.Э.Холмўминов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
т.ф.н. доцент.

**А.А.Қобулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д.  
профессор.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон мамлакатларининг маданий тараққиётида номоддий маданий мероснинг ўрни бекиёсдир. Чунки, номоддий маданий мерос миллий ўзликни англаш ва халқнинг ғурурини кўтаришда катта роль ўйнаши билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, номоддий маданий мероснинг дунё халқлари маданиятида тутган ўрни юқори бўлганлиги учун жаҳон ҳамжамияти уни сақлаб қолишга кўп эътибор қаратмоқда. Шу жиҳатдан, 2003 йил 15 октябрда ЮНЕСКО томонидан «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича конвенция»нинг<sup>1</sup> қабул қилиниши бу масаланинг нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради.

Дунёнинг Германия, Россия, Туркия, Корея Республикаси сингари давлатларнинг олимлари томонидан ўзбек халқининг номоддий маданий меросини ўрганиш юзасидан йирик изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар юртимизда халқимизга хос бўлган миллий кадриятлар, удумлар, урф-одатлар, байрамлар, маросимлар, ноёб халқ оғзаки ижоди намуналари сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, юртимизда этнография, фольклор, халқ амалий санъатининг ҳали очилмаган қирралари кўп. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш, халқ ижодининг нодир намуналарини сақлаш ва келажак авлодга етказиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Янги Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушини янада юксалтириш, қишлоқларни замонавийлаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавжуд қишлоқларнинг ўтмиши ва ҳозирги кунини тарихий-этнографик жиҳатдан таққослаш эса, янги дастурлар яратилишига асос бўлмоқда. Чунончи, мавзуга асос қилиб олинган Кўҳитангтоғ қишлоқлари Ўзбекистон жанубидаги ўзига хос тарихий-этнографик минтақа бўлиб, унда номоддий маданиятнинг ноёб намуналари сақланиб қолган. Шу билан бирга, мазкур маданий мерос диссертация шаклида ўрганилмаган. Бу эса, ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2021 йил 5-августдаги ПҚ-5211-сон «Ўзбекистонда йилкичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» ги Қарорлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Конвенция об охране нематериального культурного наследия // <https://lex.uz/docs/1385612>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга алоқадор адабиётлар муаммовий—мавзуий ёндошув бўйича 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Кўҳитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳолининг анъанавий маросимлари билан боғлиқ асарлар;

2. Оилавий маросимлар ва халқ табобатига оид тадқиқотлар;

3. Халқ оғзаки ижоди ва миллий ўйинларга бағишланган адабиётлар.

Биринчи гуруҳга оид асарларда Кўҳитангтоғ қишлоқларининг жойлашуви ва аҳолининг этник таркиби тўғрисида маълумотлар берилади. Бу борадаги илк тадқиқотлар XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб рус олимлари, элчилари ва ҳарбийлари томонидан амалга оширилган. Улардан Н.Маев<sup>2</sup>, Н.Покотило<sup>3</sup>, И.Мушкетов<sup>4</sup>, И.Яворский<sup>5</sup>, Л.Костенко<sup>6</sup>, И.Гейер<sup>7</sup> ва Д.Логофетларнинг<sup>8</sup> асарларини кўрсатишимиз мумкин. Мазкур тадқиқотларда кўпроқ чор Россиясининг сиёсий мақсадлари кўзланган бўлиб, келгусидаги ҳарбий ҳаракатлар учун маълумотлар йиғишдан иборат бўлган. Шунга қарамай, улар Кўҳитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳолининг этник таркибини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

XX аср ўрталаридан бошлаб Сурхон воҳаси, шу жумладан, Кўҳитангтоғ қишлоқларида бир қатор этнографик тадқиқотлар олиб борилди. Ўтказилган изланишлар натижасида ҳудуд аҳолисининг этник таркиби, антропологияси, уруғларга бўлиниши ва деҳқончилик таквимлари билан боғлиқ қимматли маълумотлар тўпланди<sup>9</sup>. Мустақиллик йилларида эса О.Бўриев<sup>10</sup>, А.Қаюмов<sup>11</sup>,

<sup>2</sup> Материалы для статистики Туркестанского края. Выпуск 5. –СПб., 1879.

<sup>3</sup> Покотило Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 году. –Ташкент: Типография окружного штаба. 1888.

<sup>4</sup> Мушкетов И.В. Туркестан. Геологические и орографические описание, по данным, собранным во время путешествий с 1874 по 1880 г., в двух частях, том 1. –СПб., 1886.

<sup>5</sup> Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. Из дневника члена посольства доктора И.Л.Яворского. Том 1. –СПб., 1882.

<sup>6</sup> Костенко Л. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Материалы для географии и статистики России. Том II. –СПб., 1880.

<sup>7</sup> Гейер И. Путеводитель по Туркестану. Издание 1. –Ташкент, 1901.

<sup>8</sup> Логофет Д. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 1. –СПб., 1911.

<sup>9</sup> Задыхина К.Л. Некоторые вопросы изучения этнического состава населения бассейна Кашка-Дарья в Сурхандарьинской области Узбекской ССР // КСИЭ. – Москва, 1962. Том. 37; Кармышева Б.Х. Некоторые данные к этногенезу населения южных и западных районов Узбекистана // «Краткие сообщения Института этнографии АН СССР», XXVII, 1957; Ўша муаллиф: Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва: Наука, 1976; Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области (в связи с некоторыми вопросами этногенеза) // ТСАГУ. Выпуск 143. Биологические науки. Кн. 35. – Ташкент, 1958; Кисляков Н.А. Сайробские таджики // Советская этнография. №2. –Москва, 1965; Лобачева Н.П. К истории календарных обрядов у земледельцев Средней Азии // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – Москва, 1986.

<sup>10</sup> Бўриев О. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этник тарихидан // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Тошкент: Академия, 2001.

М.Азимов<sup>12</sup>, М.Жўраев<sup>13</sup> сингари тадқиқотчилар Ўзбекистон жанубий ҳудудларида аҳолининг этник жойлашуви, уруғларнинг келиб чиқиши, анъанавий халқ тақвимлари хусусида илмий изланишларни амалга оширишди. Уларнинг ишлари олдинги тадқиқотчилардан фарқли равишда тавсифийликдан кўра кўпроқ илмий таҳлил билан ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳга оид асарларда оилавий муносабатлар ва халқ таъбири билан боғлиқ маросимлар таҳлил этилади. Жумладан, бир қатор олимлар томонидан ўзбек оиласининг тарихи, анъанавий оилавий маросимлари ва бола тарбияси билан боғлиқ удумлари ўрганилди<sup>14</sup>. С.Турсунов ва Т.Пардаев<sup>15</sup> каби олимларнинг ишлари эса алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, уларнинг тадқиқотларида Сурхондарё вилояти аҳолисининг оилавий маросимлари, анъанавий халқ таъбири бўйича кўпгина маълумотлар келтирилади.

Учинчи гуруҳга оид асарларда халқ оғзаки ижодиёти, байрамлар ва миллий ўйинлар билан боғлиқ тадқиқотлар акс эттирилган. Жумладан, Ш.Устаевнинг тадқиқотларида ўзбек ва тожик халқларининг Наврўз бўйича мифологик қарашлари баён этилган<sup>16</sup>. Айниқса, И.Абдурахмоновнинг ишлари диққатга сазовор бўлиб, унда Сурхон воҳасига хос бўлган кўплаб миллий ўйинлар тарихи ва уларнинг локал хусусиятлари таҳлил қилинган<sup>17</sup>. Г.Аҳмедованинг ишида эса, Жанубий Ўзбекистонда бахшичилик санъати билан боғлиқ анъаналар, унинг минтақа аҳолиси ҳаётида тутган ўрни ўрганилган<sup>18</sup>.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган тадқиқотлар ушбу мавзунинг айрим жиҳатларини ўрганишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Кўхитангтоғ минтақаси аҳолисининг номоддий маданияти яхлит иш сифатида

---

<sup>11</sup> Қаюмов А.Р. Шеробод воҳаси аҳолиси (XIX – XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1998. – № 3. Ўша муаллиф. Ўзбекистон этномаданий муҳитида «катагон» этноси // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар: «Академик Карим Шониёзов ўқишлари туркумидаги» халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004; Ўша муаллиф. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник ҳолат. –Тошкент: Adabiyot ushqunlari, 2015.

<sup>12</sup> Азимов М. Катагонлар. –Қарши: Насаф, 2014.

<sup>13</sup> Жўраев М. Бойсун халқ тақвимида доир материаллар // Бойсун тарихи ва миллий маданияти. Бойсун илмий экспедицияси тўплами. 2-нашр. – Тошкент, 2005.

<sup>14</sup> Кубаков К. К истории развития узбекской семьи // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент: Фан, 1972; Борозна Н. К вопросу о формах семьи и полукочевых узбеков (на материалах узбеков-дурменов) // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1978; Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Тошкент, 1992; М.Саттор. Ўзбек удумлари. –Тошкент: Фан, 1993; Бўриев О., Шаймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий-этнографик лавҳалар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Насриддинов К. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент: Мерос, 1996.

<sup>15</sup> Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси.-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006; Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi-nashr, 2014; Турсунов С. Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: Tafakkur, 2020; Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Мухаррир, 2012; Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Akademnashr, 2012.

<sup>16</sup> Устаев Ш.У. Навруз (Новый год) в мифологических воззрениях таджиков и узбеков / Труды Байсунской научной экспедиции. Археология, история и этнография. Выпуск 3. –Ташкент: San'at, 2007.

<sup>17</sup> Абдурахманов И.Р. Бойсун ўйинлари // Ўзбекистон санъатшунослиги. Илмий тўплам. –Тошкент, 2003; Ўша муаллиф. Бойсун тамошавий ўйинлари ва маросимлари / Бойсун тарихи ва анъаналари. –Тошкент, 2005.

<sup>18</sup> Аҳмедова Г.Ў. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик анъаналарининг этномаданий жараёнларга таъсири (XIX асрнинг иккинчи ярми- XXI аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Термиз, 2022 .

ўрганилган эмас. Шундан келиб чиқилса, мазкур мавзуни алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида танлаш лозимлиги аён бўлади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Термиз давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг АТД «Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва маънавий маданият» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятларини этнологик йўналишда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Кўҳитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари, аҳоли сони ва этник таркибини этнографик маълумотлар асосида тавсифлаш;

минтақа аҳолиси анъанавий маросимларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

оилавий маросимларнинг Кўҳитангга хос бўлган жиҳатларини этнографик материаллар асосида ёритиш;

халқ табобати билан боғлиқ маросим ва анъаналарнинг минтақавий кўринишларини очиб бериш;

байрамлар, сайиллар ва халқ оғзаки ижодининг минтақа этномаданий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиш;

халқ ўйинларининг ижтимоий-тарихий ва хўжалик-маиший хусусиятларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Кўҳитангтоғ қишлоқларининг ҳудудий жойлашуви, анъанавий ва оилавий маросимлар, табобат, байрамлар, сайиллар, халқ оғзаки ижоди ҳамда миллий ўйинларнинг локал хусусиятларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда тарихийлик, қиёсий таҳлил, суҳбат, кузатиш каби тадқиқот усуллари кенг қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:**

Кўҳитангтоғ қишлоқларида мавжуд бўлган хўжалик, оилавий, табобат билан боғлиқ маросимлар, халқ оғзаки ижоди ва анъанавий «бештош», «чанта», «ўйманкўч», «жумуток», «сандиқча», «ҳандалаки» каби ўйинларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги дала тадқиқотлари асосида далилланган;

аҳолининг иш бошлашдан олдин «рисола» олиши шартлиги, ёшларнинг илк даромадидан «йўлтўра» хақи берганлиги, мерганлар ўртасида «ўмма» ҳолати билан боғлиқ одатлари мавжуд бўлганлиги ҳамда кундалик ҳаётда «юлдуз жадвали»нинг ўрни юқори эканлиги аниқланган;

ҳудудда қозондошлик анъанасининг мавжуд бўлганлиги, унаштирув маросимида қирқ дона «тандир нон», «патир», «катпатир», «катлама» каби нонларнинг тайёрланиши, қабрга қўйишда «бурчак» усулидан

фойдаланилганлиги, халқ табобатида «қайтарма», «боқин», «қоқин», «аласлаш» ва «китоб очиритиш» каби усуллар ишлатилганлиги аниқланган;

аҳоли номоддий маданиятига хос «бадаш» билан боғлиқ кадриятлар, Боғлидарда полвонлар, Хомконда чавандозлар мактабларининг мавжуд бўлганлиги, миллий спорт ўйинларининг ўтказилиш тартиби Тожикистоннинг Ҳисор, Қоратегин, Шаартуз, Туркменистоннинг Калиф ва Карки туманларидан даф, чанқовуз каби мусиқий асбоблари билан фарқланиши дала тадқиқотлари, кузатувлар ва суҳбатлар асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.** Кўҳитангтоғ қишлоқларини ўрганиш жараёнида тўпланган этнографик маълумотлар бўйича этнологик сўровномалар ишлаб чиқилган. Диссертация натижалари асосида тадбирлар, конференциялар ва фестиваллар дастурини тузишда фойдаланилган.

Тадқиқот вақтида тўпланган маълумотлардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тарих, этнография ва тарихий ўлкашунослик каби фанлардан машғулотлар ўтишда, мавзуга оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** диссертацияда этнологияда тан олинган ёндошув ва усуллардан кенг фойдаланилганлиги, турли тарихий ва этнографик асарларга илмий ёндашилганлиги, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг илмий аҳамияти, Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари дала тадқиқотлари, илмий адабиётлар ва турли архив маълумотлар асосида илк бор яхлит ҳолда тадқиқ этиш асосида ёритилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, йиғилган материаллар ва уларнинг таҳлили бўйича қилинган илмий хулосалар Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг номоддий маданиятига доир монографияларни яратишга, маънавий марказлари учун маълумотномалар тайёрлашда, шунингдек, мавзуга алоқадор илмий-амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида:

Кўҳитангтоғ қишлоқларида мавжуд бўлган хўжалик, оилавий, табобат билан боғлиқ маросимлар, халқ оғзаки ижоди ва анъанавий «бештош», «чанта», «ўйманкўч», «жумуток», «сандиқча», «ҳандалаки» каби ўйинларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 19 январдаги 06-28-118-сон маълумотномаси). Натижада миллий анъаналар ва кадриятларни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ёшлар кўнглида юртсеварлик, маданий ва маънавий меросга хурмат туйғуларини кучайтиришга асос бўлган;

аҳолининг иш бошлашдан олдин «рисола» олиши шартлиги, ёшларнинг илк даромадидан «йўлтўра» хақи берганлиги, мерганлар ўртасида «ўмма» ҳолати билан боғлиқ одатлари мавжуд бўлганлиги ҳамда кундалик ҳаётда «юлдуз жадвали»нинг ўрни юқори эканлиги тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 24 январдаги 02/08/83-сон маълумотномаси). Бу эса, мамлакатимиз аҳолиси, хусусан, ёшлар онгига инсонийлик ғояларини сингдириш, телерадиокўрсатув ва эшиттиришлари орқали анъанавий халқ маросимлари ва миллий қадриятларни тарғиб қилишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган. Шундан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, чет эл журналларида 4 та, республика журналларида 4 та, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция ва тўпламларда 9 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 142 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Кўхитангтоғ қишлоқларининг ҳудуд бўйлаб жойлашув хусусиятлари ва аҳоли анъанавий маросимларида ўзига хослик ва умумийлик»** деб аталади. Унда Кўхитангтоғ қишлоқларининг жойлашув хусусиятлари, этник таркиби ва аҳолининг анъанавий маросимлари таҳлил қилинади.

Кўхитанг тоғи шимолда Бойсунтоғ ва жанубда Амударёга қадар чўзилган йирик тоғ тизмасидир. Кўхитанг сўзи *кўх* (форс-тожикча — «тоғ»<sup>19</sup>, ва *танг* (форс-тожикча — тор, сиқик) сўзларидан олиниб, «эни қисқа, тор тоғ» маъносини билдиради. Энг юқори нуқтаси Айрибобо чўққиси саналади. У денгиз сатҳидан 3137 метр баландликда жойлашган.

Кўхитангтоғ қишлоқларини географик жихатдан шимолий, марказий ва жанубий қисмларга бўлиш мумкин. Шимолий қисмида Шўроб, Сайроб ва Мунчоқ қишлоқлари жойлашган. XX аср бошларида бу қишлоқлар Дарбанд амлоқдорлиги таркибига кирган<sup>20</sup>.

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II- жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 479.

<sup>20</sup> Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX-нач XX в). Материалы к исторической географии Средней Азии. –Ташкент: Университет, 2001. –С. 46, 114.

Кўхитангнинг марказий қисмларидаги Панжобсой, Узунсой, Хўжанқон водийларида 20 та қишлоқ жойлашган. XX аср бошларида бу қишлоқлар Хатак амлоқдорлиги таркибида бўлган. Хатак амлоқдорлиги Бойсун беклигининг энг йирик маъмурий бирикмаси саналиб, Бузғалахона (Темир дарвоза)дан то Шеробод шимолидаги Нондаҳанагача бўлган ерларни ўз ичига олган эди. Амлоқдорлик таркибига Сарой (ҳозирги Чилонзор), Калламозор, Лойлик (эски Ашурхилват), Панжоб, Хомқон, Тангидевон, Хатак, Боғлидара, Лайлаган, Хўжаиғор, Эгарчи, Калапўшқия, Бедак, Чоҳак, Зараутсой, Ёриқсой, Чинор, Хўжаулкан, Ғуржак, Хўжанқон қишлоқлари кирган<sup>21</sup>.

Кўхитангнинг жанубий қисмида йирик дехқончилик воҳаси – Пошхурд водийси жойлашган. XX аср бошларида бу ерда Пошхурд амлоқдорлиги мавжуд бўлган. 1916 йилги маълумотга кўра, амлоқдорлиги таркибига Пошхурд, Майдон, Кайрит, Қорабоғ, Зарабоғ, Шержон, Кампиртепа, Қизилолма, Вандоб, Коризот, Шалқон қишлоқлари кирган<sup>22</sup>.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Шўроб, Сайроб, Мунчок, Чилонзор, Панжоб ва Хомқон қишлоқлари Бойсун туманининг 3-секторига кириши ва уларда 2271 хўжалик, яъни, 2805 оила, 13413 киши яшаши аниқланган. Шундан 6538 таси аёллардир<sup>23</sup>. Кўхитанг тоғининг Шеробод тумани таркибидаги қишлоқлари 4-сектор таркибида бўлиб, Ғуржак-2, Узунсой, Қорабоғ, Хўжақия-2, Бойқишлоқ, Зарабоғ, Гулистон, Боғиобод, Пошхурд, Вандоб, Қизилолма, Чарбоғ, Учғоч маҳаллаларидан ташкил топган. Мазкур маҳаллалардаги 9394 хонадонда 11718 та оила, ёки 48973 нафар одам яшаши қайд этилган. Шундан 25081 киши эркаклар, 23892 киши аёллардир<sup>24</sup>.

Кўхитангтоғ қишлоқларида яшовчи аҳолининг урф-одат ва анъаналари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, кишиларнинг табиатга бўлган муносабати, ҳаёт таъминотини яратиш натижасида вужудга келган. Тоғ қишлоқлари аҳолиси ўз хўжалик фаолиятлари давомида турли хил маросимларни ўтказиб келганлар. Ушбу маросимларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: 1) дехқончилик маросимлари; 2) чорвачилик маросимлари; 3) ҳунармандчилик маросимлари; 4) овчилик маросимлари.

XX аср бошларида, ҳатто Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам барча одамлар «рисола» олишлари шарт эди. «Рисола» йирик уламолар томонидан битта вараққа ёзилиб, унда касб эгаси қилиши лозим бўлган ишлар кўрсатилар эди. Зеро «рисола» олинса, иши юришиб, бемалол кун кечириши мумкин деб ҳисоблашган. Уларни тумор каби олиб юришган<sup>25</sup>.

Боғлидара, Бедак, Тангидевон, Хатак, Хўжанқон, Зараутсой қишлоқларида «йўлтўра» анъанаси мавжуд бўлган. Унга кўра, ёш йигит-қизлардан кимдир умрида илк бор қишлоғидан ташқарига чиқиб, уйи ва ота-онасидан йироқда мустақил равишда пул ишлаб топса, ўша пулдан «йўлтўра»

<sup>21</sup> Населенные пункты Бухарского эмирата. –С. 46.

<sup>22</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 124.

<sup>23</sup> Бойсун туман ҳокимлиги статистика бўлимининг электрон маълумотномаси.

<sup>24</sup> Шеробод тумани ҳокимлиги статистика бошқармасининг электрон маълумотномаси.

<sup>25</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2022 йил.

ҳақини беришган. Бунда улар ўзидан йўлтўра ҳақини сўраганларга овқат олиб бериши ёки уйига меҳмондорчиликка чақириши лозим бўлган<sup>26</sup>.

Йўлтўра ҳақи куйидаги ҳолларда олинган:

1. Дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ёки хунармандчилик товарларини бозорга олиб бориб сотганда;

2. Бошқа жойларга ишлагани кетиб, ўша ерда даромад қилганда.

Ёшларнинг қишлоғида олинадиган даромади бу ҳисобга кирмаган. Негаки, унга ота-онаси ёки бошқа ёши улуғ қариндошлари эгалик қилган. Айрим ҳолларда, ёш ўспиринлар қишлоқдан ташқарига чиқиб, ариқ тозалашга келишганларида ҳам улардан йўлтўра ҳақи сўралган. Мазкур анъана орқали ёшлар пул топиш ва уни ишлатиш йўлларини ўрганишган. Ота-оналарининг қийинчилик билан рўзғор тебратишлари ва уларга ёрдам бериш лозимлигини тушуниб етишган.

Тоғ қишлоқларида дехқончилик билан боғлиқ маросимлар кенг тарқалган бўлиб, улар йилнинг турли фаслларида ўтказилади. Хусусан, ҳар йили бир марта – Йилбоши (Наврўз) олдидан аҳоли томонидан «дарвешона» ўтказилган. Дарвешона – Аллоҳ йўлида ўтказиладиган садақадир. Уни ўтказиш учун одамлардан пул йиғилган. Бой кишилар кўй берганлар. Тегирмонда буғдой тортиб, «ёрма» қилиб қайнатишган. Дарвешонада мулла ёки эшон келиб дуо қилиб, Аллоҳдан йил яхши келишини, аҳолини турли хил офатлардан сақлашини сўраган<sup>27</sup>. Қорабоғ қишлоғи аҳолиси бу маросимни «ярма» («ёрма») деб ҳам атаган. «Ярма»да сўйилган жонлиқнинг қонини қишлоқ чеккасидаги булоқларнинг кўзига томизиб чиқилган. Бу билан булоқлардан доимий сув чиқиб туриши мақсад қилинган<sup>28</sup>.

Дехқонлар ерни экинга тайёрлаб, уруғни сепишдан бир кун олдин «Бободехқон» маросимини ўтказганлар. Ушбу маросимда жонлиқ сўйиб(имкониятига қараб, товукдан то кўйгача), Аллоҳ йўлига садақа қилганлар. Уламолар Қуръон ўқиб, Аллоҳдан ҳосил баракали бўлсин деб дуо қилганлар<sup>29</sup>.

Қурғоқчилик бўлганда аҳоли томонидан сув чақириш маросимлари ўтказилади. Кўхитангтоғ қишлоқларида бу маросим «Сув султон хотин» ёки «Суз хотин», ўзбек лақайларида эса «сус хотин» деб аталади<sup>30</sup>.

«Суз хотин» маросимида каттагина ёғочдан кўғирчоқ хотин ясалади. Сўнгра маросим эгаси хўроз сўйиб садақа чиқаради. Бунда, албатта, қичқирик хўроз сўйилади. Уй эгаси ният қилиб кўғирчоқни ўчоқ бошига олиб келади ва уни ерга тикка қилиб кўяди. Ўчоқдан чиққан тутун зарар қилмаслиги учун кўғирчоқни қозондан бир-икки метр нарида кўйишади. Дастурхонга овқат тортилганда кўғирчоқ ҳам дастурхон бошига олиб келинади. Овқатга дуо ўқилгач, барча кўғирчоқни ўртага олиб ўйнатади ва атрофидан айланган ҳолда маросим кўшиғини куйлашади. Маросим тугагач, кўғирчоқни махсус қурилган

<sup>26</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 2016 йил.

<sup>27</sup> Файзуллаева М. Ўзбек миллий таомлари ва тановул маданияти. –Тошкент: Tafakkur avlodi, 2021. –Б.295.

<sup>28</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Қорабоғ қишлоғи, 2022 йил.

<sup>29</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Қизилолма қишлоғи, 2022 йил.

<sup>30</sup> Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. –Тошкент: Тамаддун, 2010. –Б. 322.

кичик уйчага киритиб қўйишади. Халқ «Суз хотин»ни худди (сувдами ё фалакда) сузаётган аёлдек тасвирлаган. Шунинг учун баъзан «султон» сўзининг ўрнига «суздон» сўзини қўйишади<sup>31</sup>.

Ўрганилаётган худудда боғбонларнинг пири сифатида ҳазрати Нух алайҳиссалом, сувчиларни эса, ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом шахси мукаддаслаштирилган. Ҳазрати Нух алайҳиссалом тўфондан кейин ерга биринчи бўлиб новдани қадаганлиги учун боғбонлар пири сифатида улуғланган<sup>32</sup>.

Чорвадорларнинг ўз ҳомийлари бўлган. Зангиота – қорамоллар пири, Чўпонота – майда молларнинг пири, Қамбарота – от ва чавандозлар пири, Восил Қора – туякашлар пири саналган. Пилла қурти боқадиганлар эса, ҳазрати Айюб алайҳиссаломни ўзларига пир деб билишган. Кўпинча, чорвани сақлаб қолиш учун Чўпонота ва Зангибобо ҳақиқа мол сўйиб садақа чиқарганлар<sup>33</sup>.

Ҳунармандчиликнинг ҳар бир тармоғи ўз пирига эга бўлган. Уларнинг эътиқодича, бу пирлар муайян касбни биринчи бўлиб бошлаб беришган экан. Тегирмончилар ҳазрати Жаброилни, ўрмакчилар билан бўзчилар Шишновулни (ҳазрати Шис алайҳиссалом), темирчилар ҳазрати Довудни, тикувчилар ҳазрати Идрис алайҳиссаломни, қурувчилар ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни, қассоблар Жомард бобони, каштачилар ва безакчилар Баҳоуддин Нақшбандийни, жувозчилар Хожа Рўшноийни<sup>34</sup>, кулоллар ҳазрати Миркулол отани (Фарғона водийсида Меҳри Кулол<sup>35</sup>) ўзларига пир деб билишган. Ҳунармандлар ҳар йили Аллоҳ йўлида бирон-бир жонлиқ сўйиб Қуръон ўқитишган.

Овчиларнинг пири сифатида Паҳлавон Аҳмад Замший эъзозланган. Айтишларича, у киши ўққа «зам» ўқиб, кейин ҳайвонларни отар экан. Ўқилган зам буйруққа биноан албатта нишонга тегар экан.

Овчиларга мингта ҳайвонни отишга рухсат берилар эди. Одатдаги вақтда овланган ҳайвон ёнбошига йиқилиб тушса, мингинчи бўлиб отилган ҳайвоннинг шохи ерга, туёқлари эса, тўрт оёқлаб тик турар экан. Бу «ўмма туриш» дейилади. Худди шундай вазиятга хатаклик Абдумурод мерган Отаниезов ва кампиртепалик Худойназар мерган дуч келишган. Бундай ҳолат фақат бир милтиқдан отилган мингинчи ҳайвон бўлсагина содир бўлар экан. Агар овчи ўмма ҳолига дуч келса, ўша заҳоти қуроли ва ов кийимларини отилган ҳайвонининг олдига ташлаб кетиши лозим бўлган. Ҳайвонни ҳам ўша ернинг ўзида қолдириб кетган. Негаки, шундай қилмаса ва овни яна давом эттирадиган бўлса, зиён кўради деб ўйлашган<sup>36</sup>.

XX аср ўрталарига қадар тоғ аҳолиси ярим ўтроқ турмуш кечирганликлари учун кўкламда яйловга бориш, кузда қишлоққа қайтишар,

<sup>31</sup> Дала ёзувлари, Ангор туман маркази, 2017 йил.

<sup>32</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хўжанқон қишлоғи, 2002 йил.

<sup>33</sup> Турсунов С.Н., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида номоддий маданият тарихи. –Б. 20–21

<sup>34</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Б.220; Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 196.

<sup>35</sup> Халмуратов Б.Р. Тандир-ўчоқ ва у билан боғлиқ культлар тўғрисида // «Ўтмишга назар» журнали, -Тошкент, 2021 йил, 4-жилд, 11-сон. –С. 95.

<sup>36</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2022 йил.

чорва ҳам шунга қараб яйловга чиқарила эди. Кўчиш олдидан албатта кунни ўнглаб, кейин йўлга отланишган. Қишлоқларда кунни ўнг ёки чап эканлигини аниқлайдиган маҳаллий мунажжимлар бўлган. Тадқиқотлар жараёнида маҳаллий мунажжимлардан икки турдаги юлдуз календарини ёзиб олишга муваффақ бўлинди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг оилавий маросимлари ва анъанавий халқ табобати билан боғлиқ урф-одатлар»** деб аталади. Унда анъанавий оилавий маросимларининг этник ва ҳудудий хусусиятлари ҳамда халқ табобати билан боғлиқ маросимлар таҳлил қилинади.

Ўрганилаётган ҳудудда мавжуд тарихий шароит одамларни катта оила бўлиб яшашга мажбур этган. Бу бирлашмалар (катта оилалар) «қозондошлик» деб аталган. Ён-атрофдаги кичик оилалар оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолмаслик учун катта оилаларга бирлаштирилган. Уларнинг ҳар бирини алоҳида сайлаб кўйилган оқсоқол бошқарган. Қозондошликка бирлашган оилаларнинг тўй-маъракалари, меҳмон кутишлари, солиқ тўлашлари бирга бўлган. Оилалар сон жиҳатдан кўпайган вақтда ҳам ўз уюшмаси билан алоқасини узмаганлар<sup>37</sup>.

Ҳудудда оила бошлиғи ота саналган. Отанинг иши оилани бошқариш, унинг аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлашдан иборат эди. Оналар эса, уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган. Болаларнинг тарбияси кўпинча оналар бўйнида эди. Хатак қишлоғида бобони – «бўва», отанинг ака-укаларини – «ова» дейишган<sup>38</sup>. Амакиларни «ова» дейиш Сариосиё туманида яшовчи барлосларда ҳам учрайди<sup>39</sup>. Кўнғиротларда эса отанинг акасини «бобо», укаларини «ака» дейишади<sup>40</sup>.

Ҳудудда мавжуд анъанага кўра, бола туғилиши билан боғлиқ бир қанча тўй ва маросимлар ўтказилади. Улардан «бешик тўй», «чилла чикди» кабилар муҳим саналади. Агар чиллада бешик тўйи ўтказилса, у ҳолда палов пиширилиб, унда фақат оила аъзолари қатнашганлар. Чилладан кейин ўтказилган бешик тўйи эса, «чилла чикди» маросими билан бир вақтнинг ўзида бўлади<sup>41</sup>. Ўғил бола беш ёшга етганида, кўп ҳолларда эса, етти ёшлигида суннат қилдиришган.

Кўп ҳолларда оилада қиз бола туғилганида чилла ўтиши билан бошқа оилалардан уни ўз ўғлига унаштириб кўйишга интилишади. Хатак қишлоғида «қулоқтишлар», «бешиккертти» деган тушунчалар йўқ. Унинг ўрнига, бешик тўйида унаштирилди, деб айтишган. Унаштириш учун тўққиз тандир нон ва бир дона кулча, тўққиз патир ва бир дона патир кулча, тўққиз қатлама ва бир дона қатлама кулча, тўққиз қатпатир ва бир дона қатпатир кулчаси, жами 40 та нон зарур бўлади. Шундан тўрттаси кулчадир. Ризқи бутун бўлсин деб ноннинг сони қирқта қилинган. Негаки, қадимда буғдойнинг ўзидан қирқ турдаги овқат

<sup>37</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 1998 йил.

<sup>38</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 1998 йил.

<sup>39</sup> Дала ёзувлари, Сариосиё туман маркази, 2010 йил.

<sup>40</sup> Дала ёзувлари, Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи, 2021 йил.

<sup>41</sup> Дала ёзувлари. Ангор туман маркази, 2013 йил.

тайёрланган. Нондаги тўққиз сони ота-онаси, кулча эса, болачаси ҳисобланган. Айрим бой кишилар қатпатирга сариеғ, имконияти етмаганлар оқ мой суртишган<sup>42</sup>.

Тўй куни никоҳдан олдин келинни жўнатишда «вакил ота» сўралади. Вакил ота келиннинг тоғаси, акаси ёки амакиси бўлган. Қизнинг ота-онаси олдиндан вакилини кимга бериш кераклигини айтиб қўйишади. Удумга кўра, икки киши келиннинг олдига келиб вакилингни кимга бердинг деб сўрашган. Келиннинг дугоналари вакилингни ҳали айтма деб туришган. Келин кўпинча тонг отгунига қадар вакилини кимга беришини айтмаган. Тонгга яқин, вакилини кимга берганини айтган. Вакилнинг исмини эшитган кишилар «исботи» дейилади. Улар муллага қизнинг вакилини кимга берганлигини айтиб гувоҳлик беришади. Вакил шу қиз билан йигитнинг орасида бел экан. Агар эр хотинига қарамаса, аёли касал бўлса ёки ажрашиб кетишса ўша вакил қизни олиб кетар экан. Ёки бўлмаса, уларни яраштириши керак эди<sup>43</sup>.

Тўйга келганлар «соврун» – тўёна сифатида кўпинча мол олиб келишган. Удумга кўра тўйга қўшилган совруннинг ярми тўй эгасига, ярми соврун қўшган одамга қайтарилган. Масалан, тўйга бир бузоқни қўшган бўлсалар, унга битта қўй ёки эчки беришган. Улоқ ёки эчкилар учун турли сарполар, кўпроқ пул қўшганларга тўн ёпилган. Тўй эгасининг меҳмон тортиғига жавобан берадиган совғасини «кийит» дейишади. «Кийит» –ҳурмат, иззат, эътиқод ва эътибор каби тушунчаларнинг жамланмасидир<sup>44</sup>.

Тўйдан сўнг келин эрта тонгда ҳовлини супуради. Аммо унга бошқа иш буюришмаган. То янги тушган уйга мослашиб кетгунига қадар унга вақт беришади. Агар тўйдан кейинги уч кун ичида келинни уй ишлари билан банд қилишса, бу оиладан дарз кетади, деган фикр бор эди. Уч кун ўтгач, қайнонаси келинга урчукда оппоқ ипак берган. Келин аввал ипакни урчукда йигиради. Шундан кейингина унга иш буюрилган. Аста-секинлик билан қайноналар ўз келинларини уй ишларига ўргатиб боришган. Чилла вақтида келинлар қора рангли кийимларни тикиши мумкин эмас эди. Негаки, бахти бузилади деб ҳисоблаганлар<sup>45</sup>.

Тўйдан уч кун ўтгач, «куёв чақирди» маросими ўтказилган. Қайнота ўз куёвини меҳмондорчиликка чақирган. Куёв ўзининг энг яқин қариндошлари билан бирга қайнотасининг уйига борган. Дастлаб қайнота куёвнинг олдига биринчи бўлиб ошни кўяр эди, лекин куёв овқатни олмай туради. Шунда қайнота куёвни кўрманаси учун «бир бузоқ сизга» дегандан кейингина куёв овқатни ер эди. Бу совға «мол боши» дейилади. Келин ва куёв «мол боши» деб берилган сигирни мерос деб ҳеч қачон йўқотмаган, сотмаган. Бу сигирнинг боласини ҳам сотмаган. Қайнотаси берган сигирнинг наслини вақти келганда ўзининг боласига ҳам берган<sup>46</sup>.

<sup>42</sup> Дала ёзувлари, Ангор туман маркази, 2014 йил.

<sup>43</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак, Кампиртепа, Қорабоғ қишлоқлари, 2022 йил.

<sup>44</sup> Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хўжанқон қишлоғи, 2010 йил.

<sup>45</sup> Дала ёзувлари. Ангор туман маркази, 2013 йил.

<sup>46</sup> Дала ёзувлари. Ангор тумани, Хўжанқон маҳалласи, 2013 йил.

Анъанавий тўйлар XX асрнинг 50-60-йилларига келиб аста-секин трансформацияга учрай бошлади. Никоҳ маросимларида келин-куёвларнинг европача кийимларни кийиши, дастурхонга турли спиртли ичимликларни қўйилиши одатий ҳолга айланди. Шу билан бирга, ҳудудга хос бўлмаган одатларнинг кириб келиши кузатилмоқда. Жумладан, тўй куни келин-куёвларнинг қабристонларга бориши, диққатга сазовор жойларга сайр қилиниши ва ҳоказолар.

Вафот этган кишини сўнгги манзилга кузатишда ҳар бир халқда ўзига хос бир қатор удум ва маросимлар вужудга келади. Ёш йигит ёки келинчак вафот этса аёллардан йигирматаси жасад атрофида айланиб «садир тегиш» маросимини ўтказганлар. Садирни ёш кизлар, келинлар тегишмаган. Қариялар учун садир тепилмаган. Ҳаддан ортиқ йиғлаб ўзидан кетишга йўл қўйилмаган. Панжоб, Қорабоғ ва Бойсунда бирон киши вафот этса, бетини юлиб, юзини қонга бўяш ҳолатлари учрайди<sup>47</sup>.

Хатакда жаноза пайти ҳамиша тоза кийим кийишган. Аммо янги кийим кийиш мумкин бўлмаган. Қўшни Хомқон, Қизилолма қишлоқлари аҳолиси эса, жанозада янги кийим кийишган<sup>48</sup>.

1950 йилларга қадар Бедак, Боғлидара, Хатак, Хўжанқон, Тангидевон, Ёриқсой, Зараутсой қишлоқларида дафн маросимлари бошқа ҳудудлар аҳолисиникидан бутунлай фарқ қилган. Бунда маййит қабрга туширилганидан сўнг устидан ёпиладиган ёғочнинг бир учи қабр тепасига қўйилса, иккинчи учи пастки бурчагига таялган. Кейин устига тупроқ тортилган. Бу *бурчак усули* дейилади.

Қадимги замонлардан бошлаб, одамлар ўз соғлигини сақлаш, баданга зиён келтирувчи офат, бало-қазо ва турли касалликлардан сақланиш мақсадида табобат билан шуғулланиб келган. Таъкидлаш жоизки, ҳар ким одамларни даволамоқчи бўлса, олдинга бирон устозга шогирд тушиши, сўнггида дуо олиши шарт бўлган. Бу маросим «қўл олиш» дейилади. Ундан кейингина одамларни даволашга рухсат берилган. Соғлиқни сақлаш билан шуғулланган кишилар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Домлалар — ўқимишли кишилар бўлиб, Қуръони Карим суралари билан одамларни даволашган<sup>49</sup>.

Қушночлар — бу етти пуштдан келадиган амал саналган. Уларни баъзан «чилтонқаш» ёки «мома» деб ҳам аташган.

Табиблар — бу гуруҳдагилар муолажа қилишда турли ўтлар, сувлар, ҳайвон ва ўсимлик ёғларини ишлатишган. Юқори малакага эга бўлганлари синган, чиққан суякларни солиш ва тиклаш, кичикроқ ва нисбатан мураккаброқ жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, кўз касалликларини даволаш билан шуғулланишган. Аммо бундай табиблар озчиликни ташкил этганликлари боис, аҳоли кўп ҳолларда уларнинг хизматларидан фойдалана олмас эдилар.

<sup>47</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Қорабоғ қишлоғи, 2022 йил.

<sup>48</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хатак ва Қизилолма қишлоқлари, 2022 йил; Бойсун тумани, Хомқон ва Чилонзор қишлоқлари, 2021 йил.

<sup>49</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хўжанқон қишлоғи, 2013 йил.

Дуохон муллалар ва кушночлар аҳолини даволашда «қайтарма», «китоб очиш», «алослаш», «боқин», «қоқин», уқалаш, томоқ босиш сингари усуллардан фойдаланишган.

Агар бирор аёл ўз боласини қийналиб дунёга келтирса ёки кўп касал бўлса, кокилини остоналарга бағишлар эдилар. Кокилни боланинг изи ўчмаслиги, авлоди худди кокилдек узун бўлиши учун қўйишган. Чақалоқ дунёга келгандан сўнг унинг ўнг томонига кокил қўйилади. Бола уч ёшга тўлганидан сўнг уни айтилган остонага, кўпинча Хўжанқон ота макбарасига олиб бориб, бирор мол сўйиб, одамларни чақириб меҳмон қилганлар. Дуо ўқиган уламога битта тўн ва салла совға қилганлар. Шундан кейин боланинг кокилини олишган. Имконияти етмаган кишилар боласи ўн ёшга тўлган вақтда кокил тўйини қилиб беришган<sup>50</sup>.

Аҳоли даволаш учун табиий манбалардан ҳам унумли фойдаланган. Хусусан, Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолиси йод, туз, калий, марганец, кальций, натрий сингари элементларга бой бўлган булоқ сувларини ишлатишган. Азларбулоқ йодга бой эди. Ўринбулоқ, Осмонбулоқ, Карсонбулоқ, Бўронхона сувлари сульфатлар билан тўйинган бўлиб, овқатни парчалаб ташлаш хусусиятига эга эди. Тангидевондаги Тиллабулоқ, Боғлидарадаги Шаршарабулоқ сувлари инсон учун энг фойдали элементларга эга бўлган. Панжобдаги шўр сув, Хомқон ва Бедақдаги шўр ва балчиқ билан қичима, кўтир сингари тери касалликлари даволанган. Шерободдарё ҳавзасида Панжоб ва Хомқондан бошлаб то Шеробод кўрғонига қадар бўлган қисмда бўқоқ касаллиги деярли учрамасди.

Диссертациянинг «**Халқ оғзаки ижодиёти ва миллий ўйинларнинг локал хусусиятлари**» деб аталган учинчи бобида байрамлар, сайиллар, халқ оғзаки ижодида ўзига хослик ҳамда анъанавий халқ ўйинлари таҳлил қилинади.

Худуд аҳолиси оғзаки ижодиёти айтилиш маросими, мароми, ўрни, маъно ва мазмун хусусиятларига кўра қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Қишлоқлар, географик номлар, қишлоқ аҳли билан боғлиқ шеър ва кўшиқлар;
2. Байрамлар, сайиллар ва маросимларда айтиладиган кўшиқлар;
3. Бадаш кўшиқлари;
4. Бахши кўшиқлари;
